

СИРДАРЁДА АГРОТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲОСИЛДОРЛИК ВА ЭКСПОРТ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ УЧУН КАТТА САЛОҲИЯТ МАВЖУД

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янги ёндашувлар асосида ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Сирдарё вилояти ҳудуд жиҳатидан кичик бўлса-да, аслида, қишлоқ хўжалигида катта салоҳиятга эга. Асосий майдонлар дарё ва каналлар бўйида жойлашган, аҳолиси меҳнаткаш, барча инфратузилма қулай.

Йиғилишда туманлардаги манзилли ўрганишлар таҳлил қилиниб, янги таклиф ва режалар кўриб чиқилди.

Экинларни ерларнинг тупроқ-иқлим хусусиятидан келиб чиқиб етиштириш, чўл ҳудудларда галла, сабзавот ва картошка ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Сугориш тармоқларини таъмирлаб, икки йилда 20 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш режалаштирилмоқда.

Озиқ-овқат лойиҳалари учун ҳам имкониятлар кўп. Жумладан, Оқолтин, Гулистон ва Боёвут туманларидаги 9 минг гектарда 3 та йирик чорвачилик мажмуасини ишга тушириш, 7 минг гектарда янги

технология асосида пахта етиштириш мўлжалланган.

Вилоятда 10 минг гектар бог ва тоқзор бор. Уларнинг ярмидан кўпиди нав ва агротехнология эскилиги учун мева-сабзавот харидоргир эмас. Шу боис, 2 минг гектар богни янгिलाб, хорижда энг харидоргир мевалар етиштириш, қолганини талабгорларга таклиф этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу йил “Ўнг тармоқ” туманлараро каналининг 607 километрини реконструкция қилиш ва рақамли бошқарува ўтказиш лойиҳаси яқунланади. Натижада 35-40 фоиз сув тежалади, 27 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш, озиқ-овқатга бўлган ички талабни тўлиқ қоплаш, қайта ишлаш ва экспорт қувватларини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ДРАЙВЕР СОҲАЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АСОСИЙ КЎМАКЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ва мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлашга оид таклифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳани ривожлантиришда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг ўқиши, мутахассисларнинг тажриба ошириши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шу мақсадда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2 минг 225 нафар стипендиатлар 45 га яқин давлатга ўқишга юборилиб, бюджетдан жами 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Ҳозиргача уларнинг 1 минг 400 нафари Ўзбекистонга қайтиб, иқтисодиёт тармоқларида, таълим, фан, тиббиёт ва давлат бошқарувида ишламоқда. Бугунги кунда 748 нафар стипендиатлар “ТОП-300” талиқдаги нуфузли университетларда таълим оляпти.

Энди бундай ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур фонди Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб, Давлат бошқаруви академиясини Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси этиб қайта ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Улар Давлат хизматини ривожлантириш

агентлиги билан бирга кадрлар тайёрлаш кластерига айлантирилди.

Жумладан, истиқболли мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича бакалаврият, магистратура ва докторантура билан бир қаторда давлат хизматчилари опти ойгача мақсадли стажировкага юборилади. Бунда энергетика, урбанизация, транспорт, архитектура, геодезия, ер муносабатлари, техника, муҳандислик каби иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига, давлат бошқаруви ва долзарб ижтимоий йўналишларга устуворлик берилади.

Халқаро рейтингларда “ТОП-100” талик университетларга грант асосида ўқишга кирган номзодларга “Эл-юрт умиди” стипендияси имтиҳонларсиз ажратилади. “ТОП-300” талиқда бўлган университетларга грантга кирганларга халқаро транспорт ва турар жой харажатлари имтиҳонларсиз қоплаб берилади. “ТОП-20” талиқдаги университетлар бакалавриятига 50 фоиз грант асосида қабул қилинган, Президент мактаблари битирувчиларига стипендиялар танловларсиз ажратилади.

Хорижда ўқитган юртдошларимиз билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда таълим-

тарбия жараёнларида ёрдамлашиш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларнинг ота-оналари кенгаши тузилади. Элчихона ва консулликларга талабаларга ҳуқуқий ва ташкилий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилади.

Замон талабларига мос мутахассислар тайёрлашда Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг ҳам ўрни катта. У ерда “Ҳокимлар мактаби”, “Раҳбар аёллар мактаби”, “Келажак лидерлари” каби курсларда илғор таълим дастурлари йўлга қўйилган. Ўтган ўқув йилида 13 мингдан зиёд тингловчиларнинг малакаси оширилган.

Янги тизимга асосан, энди давлат хизматчилари учун 3 та дастур – малака ошириш, қайта тайёрлаш ва магистратура йўлга қўйилади. Барча узоқ ва ўрта муддатли ўқувлар хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таянч тавсиялари асосида ташкил этилади.

Магистратурада “Давлат бошқаруви”, “Давлат сиёсати”, “Ҳудудларни комплекс ривожлантириш”, “Инсон ресурсларини ривожлантириш” ва “Давлат молиясини бошқариш” йўналишларида 18 ойгача муддатда чуқурлаштирилган билимлар

берилади. Давлат бунортмасидан ташқари тўлов-контракт шаклида ҳам талабгорлар қабул қилинади.

Академияда таълим дастурлари ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериш, нуфузли хорижий илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш учун Халқаро академик маслаҳат кенгаши тузилади.

Шунингдек, академия ҳузурида 4 та янги марказ ташкил этилмоқда. Мисол учун, Давлат бошқаруви муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш маркази давлат хизмати самарадорлигини ошириш, хусусий сектордаги илғор амалиётларни давлат бошқарувида жорий қилишга қаратилган тавсиялар бериб боради.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, бу тизимларни янгича ёндашувлар асосида жорий қилиш, жамғарма ва академия ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Иқтидорли ёшларни доимий излаб топиш ва юқори даражада ўқитиш, малакали мутахассисларни ислохотларга жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Қарор билан кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларни фош этиш самарадорлигини ошириш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва қатор таълимий-техник чораларни кўриш белгиланди.

Жумладан, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйишни назарда тутувчи алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда юридик шахслар томонидан киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги барча жиноятлар юзасидан жавобгарликни кучайтириш бўйича қонунчиликка ўзгаришлар киритиш топширилди.

Банклар, тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижа-сида йўл қўйилган кибержиноят оқибатида келиб чиққан моддий зарарни улар ҳисобидан ундириш тартибини жорий этиш белгиланди.

Шу билан бирга, бундан кейин кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк картасидан, банк ҳисобрақами, электрон ҳамолидан ва бошқа шахсига доир маълумотларини (SIM картаси, электрон аккаунт) фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ўрнатилади.

Кибержиноятларнинг олдини олиш йўналишида ахборот тизимидаги заифликлар ва камчиликлар натижасида кибержиноят содир этилишига йўл қўйган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхатини оммага эълон қилиш ҳамда аҳоли пул маблағларини жалб қилишга қаратилган онлайн фирибгарлик схемалари (“молиявий пирамида”)ни барвақт аниқлаш амалиёти йўлга қўйилади.

Шунингдек, қарор билан шахсларнинг банк карталаридаги пулларнинг талон-торож қилинишини тўхтатиш мақсадида банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига замонавий антифрод ва антивирүс ҳимоя тизимларини жорий этиш ҳамда фирибгарлар томонидан сохта рақамлар орқали фуқароларга кўнғироқ қилишларини техник (имконсиз қилиш) чеклаш каби чоралар белгиланди.

Жорий йилдан бошлаб, ҳар йили бир ой давомида “Кибермаданиятнинг юксалтириш ойлиги” комплекс тарғибот ойлигини ўтказиш ҳамда ташвиқот ишларини соҳага оид барча давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фаол тарзда олиб бориш орқали аҳолининг рақамли лойиҳалар офиси” ташкил этилади ва унга Рақамли технологиялар вазирлигининг малакали мутахассислари жалб этилади.

Қарорга мувофиқ кибержиноятларни фош этиш йўналишида Марказий банк, тўлов тизими ва ички ишлар органлари

вакилларидан иборат тезкор ҳаракатланиш гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади ва мазкур гуруҳ томонидан шуёҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор банк карталарини тезкорлик билан аниқлаш ва блоклаш каби чоралар кўриб борилади.

Бунинг натижасида, кибержиноят орқали жиноятчилик томонидан ўзлаштирилган пуллари республика ҳудудидан чиқиб кетишининг олдини олиш ва жабрланувчига қайтариш имконияти таъминланади.


Шулар қаторида, қарор билан кибержиноятларни тергов қилиш ва фош этиш фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу жараёнда қонунчилик ижроси устидан прокурорлик назорати ҳамда илмий тадқиқот фаолияти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда соҳадаги ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чоралар белгиланди.

Мазкур қарорда кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши масъул давлат органлари, ташкилотлар, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг фуқароларнинг кибержиноятлардан жабрланиб қолишининг олдини олиш ҳамда уларнинг молиявий хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда ЮҚОРИ ЖАНГОВАР РУҲ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ — ҚУДРАТЛИ АРМИЯ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги миллий армиямиз том маънода Ватан шаъни, халқ тинчлиги ва жонажон халқимизнинг эртанги кўнига бўлган ишонч рамзига айиланиб бормоқда. Армия сафларида хизмат қилиш ёшларимиз уч



Ўзбекистон ташаббуслари — амалда

ОНА ТАБИАТНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАШДА ДАСТУРУЛАМАЛ ХУЖЖАТ

Дунё миқёсидаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, табиий мувозанатни сақлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида Президентимиз томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи мустақамланиб бораётганидан далолат.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ўрмон хўжалиги асосида ўрмонзорлаштириш ва ўрмон тиклаш бўйича ҳаракатлар декадаси” номли резолюцияни қабул қилгани фикримиз тасдиғидир.

Бугунги глобллашув, юқори ривожланиш жараёнида Ўзбекистон ташаббуси ниҳоятда муҳим ва ҳаётий халқаро зарурат, десак, асло муболага бўлмайди. Зеро, биринчидан, Президентимизнинг асосий ташаббуси, жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Марказий Осиё яшил белбоғ” дарахт экиш ақцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда 2027-2036 йиллар “Ўрмонзорлаштириш ва ўрмон тиклаш ҳаракатлар декадаси” деб эълон қилинган.

Ушбу даврда куч ва ресурсларни мобилизация қилиш, шунингдек, давлатлар ва

соф ҳолатида етказиб бериш йўлида жаҳон халқларини биргаликда, ҳамкорликда ҳаракат қилишга ундайди.

Тадқиқотларга кўра, бир одам бир кеча-кундузда 5-6 литр кислород қабул қилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун 22 та дарахт керак. Ҳар бир дарахт йилига 120 килограмм кислород ажратиб бергани ҳолда, айтиш мумкин, 22 килограмм, бутун ҳаёти мобайнида бир тонна атрофида карбонат ангидрид ютади. Шу боис, ўрмонлару яшил масканларни ернинг ўп-каси дейиш ўринли.

Дарахтлар шовқин ютиши, қушлару ҳайвонлар, тирик жонотларга ин ва озуқа манбаи бўлиши, эрозиянинг олдини олиши, чанг-ғуборни ютиши билан ҳам жуда қадрли. Қолаверса, одамларнинг турмуш тарзида, яъни уй-жойдан тортиб, кундалик маиший жиҳозларича, ҳатто соғлом ва тўқин яшашда уларнинг аҳамияти бекис.

Шу боис, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини экологик вазиятни янада яхшилаш



ташкilotларни тегишли чора-тадбирларни қўлайтириш тавсия этилган. 80 дан ортиқ давлат мазкур резолюция ҳаммуаллифи экани ва улар дунёнинг барча минтақасини қамраб олгани ҳам Ўзбекистон ташаббусининг аҳамиятидан далолат беради.

Қолаверса, биз жуда кўп экологик муаммолар юз бераётган таҳликали дунёда яшашимиз. Озон қатлами емирилиши, чучук сув танқислиги, ернинг яшил қоплами камайиши, иссиқхонагази чиқиндис кўпайиши ва ер мелиоратив ҳолатининг ўзгариши, табиий ресурслар камайиши каби умумбашарий муаммолар йил сайин кучаймоқда.

Энг ачинарлиси, биохилма-хиллик йўқолиб кетиши, ўсимлик ва жониворлар қирилишидир. Бепоеъ ўрмонлар кесилиши, сув ва ҳаво ифлосланиши натижасида экотизим мувозанатини табиғатга салбий таъсири оқибатида юзага келмоқда. Ўз навбатида, табиат ҳам ўзинга етказилган зарарни жавобсиз қолдираётгани йўқ. Атмосферага зарарли газ таъсири, биосфера ўзгариши, ердаги ҳарорат ошиб бориши, денгиз сатҳи кўтарилиши билан турли табиий офатлар ҳам кўпаймоқда.

Шу маънода, мазкур резолюция дунё аҳлини яна бир бор огоҳликка даъват этиб, она табиатни бағридаги яшил хазиналарни билан сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга мусаффо,

ҳамда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш учун миллий ечим сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу лойиҳа замирида турли русумдаги машиналар, логистика ва техника воситалари қуршода қолган маконга асл табиатни туғфа этиш, қўчат экиш ва бог барпо этиш истаги ётибди. Бугун лойиҳа доирасида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида шаҳарлар бош режаларини тузишда улар ҳудудининг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этиши, турар жой биноларини қуришда “яшил майдон”лар аҳоли сонига мутаносиб бўлишини таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, қўнунчилик ҳужжатларида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида кўкаламзорлаштириладиган ҳудудлар майдонини ташкил этиш бўйича мажбурийлар белгиланган.

Қисқаси, мазкур резолюция мамлакатларни бирлаштириб, ҳамжиҳат ҳаракат қилишга чорлайдиган дастуруламал ҳужжатдир. Резолюция доирасида она табиат, айниқса, унинг ўпкаси бўлган ўрмонларни кўз қорачигидек асраш бўйича самарали ва янгича ёндашувлар ишлаб чиқилишига аминимиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
сенатор



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ХОРАЗМ МАРВАРИДИ ҲАР БИР ЛОЙИҲА, ИСЛОҲОТ ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, УЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

Бошланиши 1-бетда

Бизни хурсанд қилган энг муҳим воқеликлардан бири — Хоразм харита-сида яна бир марварид пайдо бўлди. Бу “Арда Хива” мажмуасидир. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “...“Арда Хива” Хоразмдаги туризм ривожига янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи “ташриф қоғози”га айланади”.

Ушбу халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйи, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та хунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳилбўйи йўлаги мавжуд. Энг муҳими, бундай ишлар ҳисобидан вилоятта сайёҳлар оқими кўшимча 1 миллионга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга кўпаяди, камида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Хива ҳақиқий шарқона эртак муҳити билан ўралган шаҳар. Дунёнинг турли бурчакларидан миллионлаб сайёҳлар бу ерга келиши бежиз эмас. Хивага бормаган киши ҳақиқий Ўзбекистон руҳини ҳис қилмаган ҳисобланади. Айтганча, Хива фақатгина ноёб меъморий ёдгорликлари билан машҳур Ичанқалъадан иборат эмас.

Ургандан Хива томон атиги 4 километр масофада қурилган “Арда Хива” туристик мажмуаси кўриниши Хиванинг ўзини эслатди, фақат кичрайтирилган шаклда. Маҳаллий аҳоли уни аллақачон Хиванинг йўлдош шаҳри деб атай бошлаган.

Мажмуанинг ўзига хос “Арда Хива”, яъни “порт шаҳри” деб таржима қилинадиган номи унинг жойлашган ўрнидан келиб чиққан. Бир вақтлар бу ерда, Хива яқинида Амударё ўзани ўтган, ҳатто бу ўзан Каспий денгизига қуйилган, деган маълумотлар ҳам бор.

Бугунги кунда Амударёдан бу ерда бир неча йирик кўл қолган. Улардан

бири 150 гектар майдонни эгаллаган. Маҳаллий тарихчиларнинг таъкидла-шича, Говик кўли қадимги хунарманд-лар маскани бўлган, айнан шу ердан Ичанқалъа ёдгорликларини қуриш учун лой олиб келинган. Буюк ипак йўлининг ўзига хос жозибасини қайта тиклаш мақсадида Говик кўли яқини-да, сайёҳлик шаҳарчаси ҳудудида сув

бўлиб, шарт-шароитлар билан танишди. Эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳа хо-размлик ёшлар, умуман, ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва, албатта, касб-хунар ўр-гатишга хизмат қилади.

Шу пайтгача бундай масканлар сони мамлакатимизда тўртта эди. Мана, энди вилоятимизда ҳам бундай маскан



рекреацион зоналари ва йирик савдо майдончалари барпо этилган.

Яна бир янгилик — энди Хива туманидан 2 минг 400 гектар ер Хива шаҳри-га ўтказилиб, у жойда “Сахро юлдузи” туристик мажмуаси бунёд этилади. Бу қатор туманларимизда туризм қишлоқла-ри ташкил этиладиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, вилоятимиз туризм салоҳия-тини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳамиджон БОБОЕВ,
Урганч шаҳридаги Касбий кўнникма-лар минтақавий маркази раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида барпо этилган Касбий кўнникмалар минтақавий марказимизда

фаолияти йўлга қўйилди. Мажмуа Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — КОСАнинг 9 миллион долларлик грант маблағи ҳисобига қурилган. За-монавий касблар учун зарур жиҳозлар, симуляцион ускуналар ўрнатилган.

Бу ерда автомобилларга техник хиз-мат кўрсатиш, пайвандчилик, юк кўта-риш машинистлиги, электрон ва маи-ший техника таъмири, мебелсозлик, сартарошлик ва косметология, моби-лография ҳамда меҳмонхона хизмати каби талаб юқори бўлган 10 та мута-хассислик ўргатилади. Бунинг учун қа-рийб 2 гектар ҳудудда замонавий ўқув бинолари, амалий машғулот хоналари, 64 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи иншоотлар қурилган. Муассаса йилига 300 тингловчини 6 ойлик касбий тайёр-гарлик ҳурсларида ўқитиш имконияти-га эга.

“Урганч аэропортини Инчон



“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак” тамойилига асосан, 2024 йилда фуқароларни қабул қилиш ва муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича самарали чораларни кўриш бўйича юзлаб шахсий ва сайёр қабуллар ўтказилди.

ДАВР НАФАСИ

2025 йил 6 май, 91-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

барпо этилган киберхавфсизлик, дастурлаш лабораторияларида махсус ўқув курслари дастурлари бўйича жиддий ишлар олиб борилиши йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлиги қўшинлари — матонат ва фидойилик мактаби

Ҳозирги кунда жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган бир пайтда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

2024 йилда шу йўналишда қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар асосида қўшинларда маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди.

Дунёда рўй бераётган қуролли можароларда айнан “руҳий ресурс” жанг тақдирини ҳал қилмоқда. Шу боис, “Чирчик” полигонида “Аскарларни руҳий чинқириш йўли”, “Нукус” ва “Фаргона” полигонларида “Ахлоқий-руҳий тайёргарлик шахарчаси” барпо этилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда “Ҳарбий хизматчи маънавияти” модели ҳамда “Ғоявий жангчи” концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди. Истиқболда илгор хорижий тажриба асосида

санаси Хотира ва қадрлаш кўни сифатида кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида юртимизда давлат ва жамоат арбоблари, фахрийлар, фан, маданият ва санъат намоёндалари, ёшлар, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар ҳамда “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзолари иштирокида “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Қўтлуғ сана муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан меҳнат фронти фахрийларига пул муқофотлари, “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари, табрикнома ва совғалар топширилмоқда.

Биз эл-юрт тинчлиги учун курашган ота-боболаримиз ҳамда юртдошларимизнинг бекиёс жасорати, томир иродаси ва фидойилигини ҳар доим хотирамизда сақлаймиз. Шу азиз хотира олдида бош эгамиз, фидойи қаҳрамонларнинг муқорабат номлари ҳамиса юрагимизда яшайди.

ЮҚОРИ ЖАНГОВАР РУҲ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ — ҚУДРАТЛИ АРМИЯ ПОЙДЕВОРИ

Шуҳрат ХАЛИМУХАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йил давомида Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий кадрлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш ва кадрлар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек, ушбу соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган турли даражадаги 33 та норматив-ҳуқуқий ва бошқарув ҳужжати ишлаб чиқилди.

Улардан Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташ масалаларини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги фармони билан қабул қилинган янги тахрирдаги Қуролли Кучлар ҳарбий низоми ҳарбий хизматчиларнинг кундалик жанговар-хизмат фаолиятини ташкил этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, малакали ҳарбий кадрларни танлаш ва уларнинг фаолиятини самарали бошқариш бўйича очик ва шаффоф тизим жорий этилди. Бунда электрон платформалардан фойдаланиш орқали кадрлар захирасини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилди. Натижада қўшинларда кадрларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш жараёни шаффоқлиги таъминланиб, ҳарбий соҳага янги авлоднинг билимли ва масъулиятли мутахассисларини жалб қилиш имконияти яратилди.

Ҳарбий санъатдаги янги давр ва тенденциялар

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, ҳарбий хизматчиларнинг jismoniy ва маънавий шайлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Бизнинг олдимизда Қуролли Кучларимизни янги, модернизация қилинган ўт очиш тизимлари ва техника билан таъминлашни ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятлари, қўшинларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш вазифаси бор.

Ўтган ўқув йили давомида қўшинлар тайёргарлигини янада яхшилаш ва замон талабларига мослаштириш мақсадида 15 га яқин бошқарув ҳужжати янги тахрирда ишлаб чиқилди ва қўшинларга юборилди. Ҳужжатлар қўшинлар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик, самарадорлик ва юксак масъулиятни таъминлаш билан бирга, жанговар тайёргарлиқни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Жанговар тайёргарлик машғулотларида барча тоифадаги командир ва бошқикларнинг асосий диққат-эътибори амалий дала-ўқув машққлари, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда куч тузилмалари билан узвий ҳамкорликка қаратилди.

Кичик командирларнинг бошқарувчанлик маҳорати ошди, стратегик, оператив ва тактик бўлинмалар билан биргаликда янги тактик ҳаракатлар ўзлаштирилди. Жанговар тайёргарлик жараёнида шахсий таркибининг психологик тайёргарлиги ҳамда жанговар руҳини ошириш дастури ишлаб чиқилди.

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг тактик, оператив вазифаларни бажариш қобилияти кўкқисдан синовдан ўтказилди. Бунда қўшинларни қайта гуруҳлаш, десантлаштириш, ҳаво-десант қўшинларини қўллаш, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш, узоқ масофаларга маршлар уюштириш, разведка олиб бориш, жумладан, учувчисиз учим аппаратларини қўллаган ҳолда авиация, артиллерия, танк ва бошқа қуроллардан жанговар отишларни ўтказиш тадбирлари амалий тарзда бажарилди. Текирувлар натижаларига кўра, жанговар шайлик тадбирлари ўтган йилдаги нисбатан 1,5 марта кўпайиб, қўмондонлик таркибининг касбий тайёргарлиги ошишга эришилди. Мудофаа вазирлиги қўшинлари вазифаларини бажаришга шай деб баҳоланди.

Бугунги кунда ҳарбий можаролар барча маконлар — қуруқликда, ҳавода, сувда ва сув

остида, космик маконда, ахборот ва кибермакonda олиб боришмоқда. Натижада ўтмишда сиёсий мақсадларга фақат қуролли кураш орқали эришилган бўлса, бугунги кунда буни қуролли тўқнашувсиз амалга ошириш мумкин. Айни даврда дунё ҳамжамияти ҳарбий тўқнашувларни самарали ҳал қилиш формуласини топишга интилоқда. Шу маънода, дунёда содир бўлаётган ҳарбий можароларнинг келиб чиқиши ва уларнинг оқибатлари, хусусан, **сунъий интеллект, нанотехнологиялар, роботлаштирилган қурол ва мажмуаларнинг қўлланилиши**, ахборот-психологик ҳуружларнинг янги кўринишларини таҳлил қилган ҳолда қўшинлар ва тегishли муассасаларда ҳозирги замон ҳарбий можароларида ҳарбий санъат ривожланишидаги янги тенденцияларга ягона қараш ва ёндашувларни яратиш масалалари ўрганилмоқда.

Профессионал сержантлар — қўшинларнинг таянч устунлари

Президентимизнинг 2024 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг профессионал сержантлар корпуси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жамоавий жиҳасини таъминлаш, сержантлар корпуси фаолиятини ривожлантириш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўшинларида алоҳида макомга эга бўлган “бош сержант” ва “бош сержант ёрдамчиси” лавозимлари татбиқ этилди.

Ушбу лавозимдаги ҳарбий хизматчилар учун “биринчи сержант”, “штаб сержант”, “мастер сержант” ва “сержант-майор” ҳарбий унвонлари жорий этилди. Мазкур лавозимларга

— Ҳарбий-касбий тайёргарлик халқаро Олимпиадасида — 1-ўрин;
— Жанубий Кореяда “Халқаро илмий жанговар тайёргарлик” мусобақасида — 1-ўрин;
— МДҲга аъзо давлатлар армиялари ўртасида “**Ўқ отиш спорти**” мусобақасида — 1-ўрин;
— Россияда “**Саян юриши**” мусобақасида — 2-ўрин;
— Жанубий Кореяда биринчи халқаро мерганлар мусобақасида — 2-ўрин;
— Буюк Британияда “**Кембрия патрули**” мусобақасида — 2-ўрин;
— МДҲга аъзо давлатлар армиялари ўртасида “**Ҳарбий спорт комплекси кўпкураши**” мусобақасида — 2-ўрин.

Мудофаа вазирлигининг 22 спортчиси мамлакатимиз спорт терма жамоалари таркибиде Париж шаҳрида ўтказилган ёзи Олимпия ўйинларида 9 та спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этди. Олимпия ўйинлари якунига кўра, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан 2 та олтин, 1 та кумуш медал қўлга киритилди. Паралимпия ўйинларида ҳам Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 1 та олтин ва 1 та кумуш медал соҳиб бўлди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар билан аҳоли ўртасида “**Халқ ва армия — бир тану бир жон!**” шиори остида спортнинг оммавий, техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ҳамда барча ҳарбий хизматчиларни кенг қамраб олган ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилмоқда.

Полигонлардаги янги ўқув нуқталари ва амалиёт

Бугунги кунда қўшинлар шахсий таркибининг замонавий жанговар ҳаракатларда қўлланилаётган янги тактик усул ва услубларни амалда ўзлаштириш уч

ҲАМ ТЕЖАМКОРЛИК, ҲАМ ДАРОМАД

ФЕРМЕРЛАР ДАВЛАТГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СОТЯПТИ

Кейинги йилларда юртдошларимиз орасида қуёш панелларидан фойдаланиш анча оммалашди. Ўзимиз ҳам хонадонига шундай қурилмани ўрнатган одамни кўрсак, даров афзалликлари, нарх-навоси ҳақида қизиқиб суриштирамиз. Табиийки, фикрлар, хулосалар хилма-хил.

Фойдаланувчилар орасида қуёш панелидан ҳали даромад кўрмагани, барибир асосий тармоқдан электр энергияси сарфлаб, тўлов қилаётганини айтаятганлар ҳам йўқ эмас. Аммо тартибини ўрганиб, қурилмадан тўғри фойдаланаётганларнинг аксарияти қуёш панеллари хонадон эгаларининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қоплаб, харажатларини сезиларли камайтираётганини таъкидлаётти.

Кўпчилик ҳатто истеъмолдан ортган электр энергиясини давлатга сотиб, қўшимча даромад қилмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1-чорагида 12 746 нафар жисмоний шахс электр тармоқларига ўтказилган қуёш энергияси учун давлат боджидан 8 миллиард 147 миллион сўм субсидия олган. Субсидиянинг энг катта қисми Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келяпти. Яъни хонадонига қуёш панели ўрнатган оилалар истеъмолдан ортган электр энергиясини давлатга сотиб, тўловларини тегишли тартибда қабул қилиб олмоқда. Ушбу амалиёт Президентимиз қарори билан 2023 йил 1 апрелдан амал қилаётган “Қуёшли хонадон” дастури доирасида белгиланган. У аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, қатор имтиёزلарни ҳам назарда тутди. Жумладан, жисмоний шахслар қуёш панелларини 3 йил муддатга фойсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиши мумкин.

Олти баробар кўп даромад

Нафақат жисмоний, балки юридик шахслар учун ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланганлик эвазига қатор имтиёزلар мавжуд. Шу жиҳат маҳаллий иқтисодиёт тармоқлари, тадбиркорлик субъектлари, корхоналари қизиқтираётгани рост. Аммо муқобил энергия манбаларидан



фойдаланишнинг бошқа заруратлари ҳам бор. Яъни электр энергиясига талаб ортиши, бозор талабларига мос равишда нарх-наво тобора кўтарилаётгани, қолаверса, экологик мураккаб вазият сабаб атроф-муҳит учун зарарсиз ва барқарор манбалардан фойдаланиш зарурати бутун одамларнинг ўзига қуёш панелларига қизиқишни оширяпти. Айниқса, ресурслар ва сарф-харажатларни тежаш жиҳатидан иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалигида ҳам қуёш панелларидан кенг фойдаланиш оммалашиб бормоқда.

Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги “Nirt Fguit” фермер хўжалигининг бу борадаги тажрибаси ҳудуддаги дастлабклардан бўлди. Хўжалик раҳбари Нуриддин Алиқулов қуёш панели ўрнатиш ортидан харажатларини тежаб, қўшимча даромад топаётгани сабабли, кўпчилик уни намуна қилиб кўрсатмоқда. Фермер дастлаб 2024 йил июнь ойида 300 киловаттли қуёш панели ўрнатди. Ундан оладиган электр токининг бир қисmini хўжалик эҳтиёжларига сарфлаб, қолганини умумий тармоққа узатишни бошлади. Шунинг ортидан бүгунги кунгача 22 миллион сўмдан ортиқ даромад кўрди.

Фермер хўжалиги 2017 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва совитиштириш. Хўжалик ер майдонларида ўнга яқин турдаги қўмаклашувчи корхоналар қилиб, умумий сигими 2,5 минг тоннали совитчик оморда сақланади. Йил давомида ўртача 15 минг тонна маҳсулот сақланиб, хорижга экспорт қилинади. Демак, бу ерда

“Фермернинг умумий тармоққа сотаётган электр энергияси тўловлари банк орқали ҳисоб рақамига туширилмоқда. Шу кунгача олган даромадидан мамнун. Айни пайтда хўжаликда 3300 киловаттли қувват ишлаб турибди. Энди Нуриддин Алиқулов яна 5 минг киловаттли қуёш панели ўрнатишни режалаштирган...”

электр энергиясига талаб, асосан, совитиш оморидидаги қурилмаларнинг доимий ишлаб туриши учун сарфланади.

— Айнан шундай совиткичларнинг ишлаши учун жуда катта миқдорда, яъни кунлик 1200 киловатт электр энергияси зарур ва бунинг учун ойига 100 миллион сўм харажат қилишимизга тўғри келарди, — дейди “Nirt Fguit” фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Алиқулов. — Бу харажатни камайтиришнинг энг мақбул ечими муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, деган хулосага келдик. Дастлаб ўрнатилган 300 киловаттли қуёш панели қутилган натижани берди. Электр энергиясини иқтисод қилиш баробарида даромад кўрганимизга қизиқиб, хўжаликдаги 4 гектар ерга яна 3 минг киловаттли қуёш панели ўрнатишга киришдик. Қурилма учун харажатнинг бир қисmini ўзимиз қоплаган бўлсак, бир қисми учун банкдан кредит олдик. Жорий йилнинг 13 апрелидан бошлаб 3 минг киловаттли қуёш панели электр энергияси ишлаб чиқара бошлади. Бу қувватнинг 30 фойзи эҳтиёжimizни қоплаш учун етарли, қолганини эса давлатга сотаямиз.

Ана энди кичик ҳисоб-китоб қилиб кўрсак. Фермер 300 киловаттли қуёш панелидан олаётган электр энергиясининг бир қисmini сотиш ортидан ўртача тўққиз ойда 22 миллион сўмдан ортиқ даромад қилган бўлса, ҳозирги 3 минг киловаттли қувватнинг 1800 киловаттини сотишдан аввалгидан салкам олти баробар кўп фойда кўради. Бу хўжалик ерларида етиштирилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар даромадидан ташқари фойда. Қуёш панеллари учун қилинган харажатни ҳам узоғи 3 йилда қоплаш ҳисоб-китоб қилинган. Ахир бу қурилмалар арзон эмас, фермерга салкам 12 миллиард сўмга тушган.

Бу билан бировнинг чўнтағидagi пулни қисоблаш ниятидан йироқмиз. Шунчаки қуёш панелини ўрнатиш ортидан олиниши мумкин бўлган даромадни бир мисол орқали таҳлил қилмоқчимиз. Бунинг бошқа фойдали томони ҳам бор. Яъни фермер истеъмолдан

ортган муқобил энергия манбаини умумий тармоққа сотиши ортидан ҳудуддаги аҳоли хонадонлари ва иқтисодиёт тармоқларининг ҳам узлуксиз электр энергиясига талаби қондирилади. Айни пайтда фермер хўжалиги, асосан, кундуз кунни тармоққа электр энергияси узатапти. Яқинда 1,5 мегаваттли энергия сақловчи батареялар ўрнатиш ҳисобига қуёш нури бўлмаган вақтларда ҳам тармоққа узлуксиз ток етказиб бериш орқали талабнинг 10-12 фойзини қоплаш мақсад қилинган. Бойси, айни шу тигиз вақтларда аҳолининг электр токига талаби қаррасига ортган бўлади.

Фермернинг умумий тармоққа сотаётган электр энергияси тўловлари банк орқали ҳисоб рақамига туширилмоқда. Шу кунгача олган даромадидан мамнун. Айни пайтда хўжаликда 3300 киловаттли қувват ишлаб турибди. Энди Нуриддин Алиқулов яна 5 минг киловаттли қуёш панели ўрнатишни режалаштирган...

Хоразм тажрибаси яратилади

Шулар ҳақида Нуриддин ақанинг ўзидан эшитган бошқа фермерлар ҳам қизиқиб, бирин-кетин қуёш панели ўрната бошлади. Олтиариқ туманидаги “Сардор-Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Азимов улардан бири. Бошланишига 100 киловаттли



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



қуёш панели ўрнатган фермер кейинроқ яна 50 киловаттли қувватни ишга туширди. Бунинг ортидан нафақат ўз эҳтиёжларини таъминлаётти, балки истеъмолдан ортиқча электр энергиясини давлатга сотиб, озми-кўпми даромад топа бошлади.

— Ўтган йили Олтиариқ туманида вилоят ҳокими иштирокида қуёш панелларини ўрнатиш бўйича семинар бўлиб ўтди, — дейди Воҳиджон Азимов. — Унда кўплаб компаниялар қатнашиб, ўз таклифларини берди, мутахассислар қурилманинг афзалликлари ҳақида гапирди. Аммо “Бошидан ўтказган — табиб”, деган нақл бор. Бу масалада биздан 3-4 ой олдин қуёш панели ўрнатган шогирдимиз Нуриддин Алиқулов билан гаплашганимда, ўзидagi тажрибани айтиб берди. Шундан сўнг қуёш панели ўрнатишга қизиқишим ортиб, декабрь ойида 100 киловаттли қувватни ишга туширдик. Хўжалигимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, 500 тоннали музлаткичда сақланади. Ҳар кунги ҳисоб-китобни юритганимизда мавжуд музлаткичларнинг ишлаши учун 100 киловаттли қувват етаётганини кўрибди. Шу бойс, кейинроқ ўрнатилган 50 киловаттли қуёш панелларидан олинаётган электр энергиясини умумий тармоққа узатиб, давлатга сота бошладик. Бугунги кунгача истеъмолимиздан ортган 13 минг 200 киловатт электр энергиясини тармоққа узатиб, даромад олдик.

Қуёш панеллари ўрнатган аҳоли нафақат ўзи, балки мамлакат иқтисодиётининг ҳам барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшади. Юртимизда экология учун зарарсиз бўлган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ортади, табиий ресурслар тежалди. Шу бойс, давлат бу борада фуқароларни рағбатлантиряпти. Бу Ўзбекистоннинг “ашиқ иқтисодиёт”га ўтиш йўлидаги катта ҳаракатларининг бир қисми. Ваҳоланки, бундан 8 йил олдин “ашиқ” энергетика ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдик. Йирик қуёш ва шамол панелларининг юртимизда қурилиши фақат ҳаёдек гап эди. Аммо ҳозир бу йўналишдаги янги ва йирик лойиҳалар ҳақида гапираямиз. Уларнинг ҳисобига 2024 йилда “ашиқ” энергия улуши 16 фойздан оширилди. Яъни экологик тоза энергия қувватлари йилга 2-3 қарра кўпайтириляпти.

Бунда аҳолининг ҳам ҳиссаси ошиб бормоқда. Одамлар электр энергиясига эҳтиёжини қайта тикланадиган, арзон, экологик тоза манбалар эвазига қоплашга ўрганилди. Бу ҳам иқтисодий тежамкорликнинг бир қўрилиши. Хоразмлик фермерлар ҳам тан-нарихни тушириш учун изланиб, янгилик қилмоқда. Масалан, хонқалик фермер нассосни электр билан таъминлаш учун ўтган йили 200 киловаттли қуёш панели ўрнатиб, йиллик 120 миллион сўм электр харажатини иқтисод қилди, қўшимча 53 миллион сўмлик электрнинг тармоққа сотди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида Урганч туманида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йилгишда шу ҳақида гап борди. Вилоятда экин майдонига сув чиқариш осон эмас, республикадаги нассосларнинг 21 фойзи шу ерда жойлашган. Уларга қуёш панели ўрнатиб, электр харажатини иқтисод қилиш муҳимлиги таъкидланди. Барча 2 минг 138 та нассосни шу тизимга ўтказиб, Хоразм тажрибасини яратиш зарурлиги кўрсатилди. Демак, бу борада ҳам ҳудудлар тажрибаси пайдо бўлади. Турли йўналишларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига самарадорликка эришаётган бундай тажрибалар бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштирилади. Бу, ўз навбатида, тежамкорлик ва иқтисодий самарадорликка хизмат қилади.

Шундай бир пайтда сунъий интеллект замонавий илм-фанни қандай ўзгартирмоқда? У илм-фандаги ихтиролар, кашфиётлар ўрнини боса оляптими? Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — UNICON.UZ Янги рақамли технологияларини ўқитиш маркази бошлиғи Сайдиахрол САЙДИАКБАРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Сунъий интеллект замонавий илм-фанга сезиларли ўзгаришлар киритиб, тадқиқот усуллари, маълумотларни таҳлил этиш ва қарор қабул қилиш жараёнини ўзгартирмоқда, — дейди Сайдиахрол Сайдиакбаров. — Инсон биология, кимё, физика, астрономия каби замонавий фанлар ҳар кунни ишлаб чиқарадиган терабайт маълумотларни қайта ишлагга қодир эмас. Шу боис, сунъий интеллектга ёрдам сўраб мурожаат қилётган олимлар сони ортиб бораётир.

Кундалик ҳаётимизда ҳамма билган ChatGPT ёки Алиса каби сунъий интеллектга асосланган виртуал ассистентлардан фойдаланаётганларни кўп кўраимиз. Улар инсон учун энг қадрли бўлган ресурс, яъни вақтни тежашга ёрдам беради. Масалан, машҳур инсон ҳақида маълумот керакми, марҳамат, ух сонияда сизга таҳлил қилинган маълумот электрон кўринишда тақдим этилади. Агар сиз ушбу маълумотни ўзингиз қидирсангиз, бир неча адабиётни таҳлил қилишингизга, ҳаттоки Googleдан қидирсангиз ҳам ўзингизга маъқул келадиган ҳаволани топишингизга 3 сониядан кўп вақтингиз кетади.

Чангиткич кашф қилинганга бир асрдан ошди. Бугунги кунга келиб, чангиткичлар сунъий интеллект ёрдамида инсон ёрдамсиз ишлай олади. Яна бир мисол, қўлимиздаги телефонларда олинган тасвирларга сунъий интеллект ёрдамида ишлов бериш орқали тасвирлардан кераксиз объектларни олиб ташлаш имкониятига эга бўлди.

Сунъий интеллект тадқиқотларини жадаллаштиришга қанчалик таъсир қила олади, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. У маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш каби кундалик вазифаларни автоматлаштириш имконини беради. Тадқиқотчилар вақтини янада ижодий ва мураккаб вазифалар учун бўшатади. Мураккаб моделлар ва симуляцияларни яратиш учун ишлатилиши мумкин, бу эса фаразларни тезроқ синаб кўриш ва тажриба ўтказиш имконини беради.

Улкан ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаганда унинг ўрни бекиёс. Замонавий илмий тадқиқотлар кўпинча катта ҳажмдаги маълумотларни яратади (масалан, геномика ёки астрономияда). Сунъий интеллект бу маълумотларни тезда таҳлил қилиб, инсон учун ноаниқ бўлган қўниятлар ва алоқаларни аниқлашга қодир. Машинавий ўқитиш алгоритмлари маълумотларни таснифлаш, натижаларни прогнозлаш ва аномалияларни аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

— Фанларо тадқиқотларда сунъий интеллект қандай вазифани бажаради?

— У илмий фанларни бирлаштиришга ёрдам беради. Масалан, биотибиёт тадқиқотлари соҳасида сунъий интеллект янги доволаш усуллари ишлаб чиқиш учун генетика, кимё ва клиник биотиб маълумотларини бирлаштириши мумкин. Шунингдек, сунъий интеллектдан экология, социология ва иқтисодиёт каби соҳаларда фойдаланиш




мураккаб тизимларни ва турли омиллар ўртасидаги ўзаро таъсирларни ўрганиш имконини беради.

Аниқлик ва ишончликни яхшилайдди. Прогнозлаш таҳлилларда қўл келади. Клиник биотибётдан иқлимшуносликкача бўлган турли соҳаларда прогнозлар аниқлигини ошириши мумкин, бу эса янада асосли қарорлар қабул қилишга йўл очади.

Инсон омилини камайтиради. Сунъий интеллектдан фойдаланиш маълумотларни таҳлил этиш ва натижаларни талқин қилишда инсон хатосининг таъсирини камайтиради.

— Янги кашфиёт ва инновацияларда қандай ўринга эга?

— Сунъий интеллект муайян хусусиятларга эга янги материалларни топишга ёрдам беради, бу электроника ва энергетика каби технологиялар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, фармацевтикада сунъий интеллект янги дори ишлаб чиқиш жараёнини



тезлаштириш, молекулалар ўртасидаги ўзаро таъсирларни таҳлил қилиш ва самарадорлигини башоратлаш учун қўлланилади.

Илмий адабиётлар таҳлилида унинг ўрни алоҳида. Тадқиқотчиларга ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича долзарб мақолалар ва тадқиқотларни тезда топишга ёрдам беради, бу эса билим олишни осонлаштиради ва янада самарали таълим олишга қўмаклашади.

Ақлли қидирув тизимлари орқали олимнинг олдинги ишлари асосида тегишли тадқиқотларни тавсия қилиши мумкин.

Сунъий интеллект илмий тадқиқотларга ёндашувларни тубдан ўзгартириб, уларни янада самарали, тезкор ва аниқ қилади. Бироқ илм-фанда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатларини, жумладан, алгоритмлар шаффофлиги, маълумотларни ҳимоя қилиш ва қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик масалаларига ҳам эътибор қаратиш муҳимдир. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда, сунъий интеллект келажакдаги илмий тараққиётда муҳим роль ўйнашда давом этади.

Швейцариялик астрофизик Кевин Шавински 2007 йилда Galaxy Zoo номли стартапини ишга туширди. Мазкур стартап лойиҳанинг асосий максаси коинотдаги галактикаларни морфологик таснифлашдан иборат. Лойиҳа номидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, Galaxy Zoo, яъни галактикалар зоопарки коинотдаги галактикаларнинг кўриниши, ёши ва рангларига қараб уларни саралаш имконини тақдим этди. Мисол учун, Сомон йўли (Milky way) спиралсимон галактика сифатида таснифланади. Интернет фойдаланувчилари ўз тахминлари орқали олимга галактикалар учун тоифаларни таснифлашда узоқ йиллар давомида ёрдам берди. Кевин Шавински интернет фойдаланувчилари тахминлари асосида ишлаб чиққан сунъий интеллект модели эса бу ишни бир кечада уддалай оиди.

Бугунги кунда энг машҳур генератив моделлаштириш тизимлари генератив-рақобатли тармоқлар ҳисобланади. Бу тармоқлар шикастланган тасвирларни тиклаш, хиралаштирилган тасвирларни аниқроқ қилиш имкониятига эга. Тармоқ икки қисмдан иборат: биричиси — ёлгон маълумотлар генератори, иккинчиси — ёлгон маълумотларни



ҳақиқий маълумотлардан фарқлаши керак бўлган детектор. Шу тарзда мусобақалашиб, тармоқ етишмаётган ахборотни аниқлашни ўрганади ва аста-секин ривожланиб боради.

Глазо университети кимёгари Ли Кронин янги бирикмалар олиш учун кимёвий моддаларни тасодифий равишда аранлаштириш имконини берувчи сунъий интеллектдан фойдаланган. Реал вақт режимида кимёвий реакцияларни масс-спектрометр,

ядро магнит резонанс ва инфракъизил спектрометр ёрдамида кузатиш орқали тизим энг реакцияон қобилиятли бирикмаларни олдиндан аниқлашни ўрганди.

Крониннинг фикрича, бундай роботлаштирилган тизимлар кимёгар олимлар ишини 90 фоиз тезлаштириши мумкин.

Цюрихда олимлар жамоаси маълумотлар асосида физиканинг машҳур қонунларини қайта ишлаб чиққан нейрон тармоғидан фойдаланган. У Куёш ва Марсининг осмонда Ерга нисбатан жойлашуви ҳақидаги



маълумотларни ўрганиб, Куёш тизимининг гелиоцентрик моделини қайта кашф этди.

Шунингдек, у бир-бирига урилаётган шарларни кузатиш орқали импульсининг сақлаиш қўниини яна бир бор тасдиқлади.

“The Book of Why” (2018) китобида информатик олим Жуд Перл ва фан тарғиботчиси Дана Маккензи сабаб-оқибат саволларига жавоб бериш учун маълумотлардан фойдаланиш бейойда эканини таъкидлайди. Уларнинг фикрича, моделлаштирилмаган маълумотлар таҳлиliga асосланган ҳар қандай тадқиқот фақат умумлаштириш ва ўзгартиришга қодир, аммо маълумотларни ҳеч қандай талқин қилмайди.

Бундай тадқиқотларда сунъий интеллектни қўллашнинг муваффақияти илм-фанда одамлар энди керак эмаслигини аниқламайди. Бироқ бундай тизимларга маълумотларни қайта ишлашнинг оддий воситаси сифатида қарамаслик керак, сунъий интеллект илмий фикри тўлиқ бўлмаса-да, автоматлаштиришга хизмат қилади.

— Сунъий интеллект соҳасидаги глобал тенденциялар ва илгор технологиялар нималардан иборат? Унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири қай даражада?

— Бугунги кунда сунъий интеллект бизнес жараёнларини автоматлаштиришда кўл келмоқда. Ишлаб чиқариш, логистика ва хизмат кўрсатиш каби турли соҳаларда кундалик вазифаларни автоматлаштириш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш ортиб бормоқда. Бу самарадорлиқни ошириш ва харажатларни камайтириш имконини беради. Сунъий интеллект катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишда фол қўлланилади, бу эса компанияларга янада асосли

қарорлар олиш ва бозор сиёсатини башорат қилишга ёрдам беради.

Буюмлар интернетини ривожлантиришда ҳам унинг роли катта. Сунъий интеллект интеграцияси туфайли ақлли қурилмалар янада ақлли бўлиб бормоқда, бу эса ресурсларни бошқаришни яхшилаш ва хизмат кўрсатиш даражасини ошириш имконини беради.

Сунъий интеллект этикасини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Сунъий интеллектнинг қўлланилиши ортиб бориши билан ахлоқ, махфийлик ва масъулият масалалари

қарамай, сунъий интеллект тизимларини ишлаб чиқиш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқариш билан боғлиқ янги касбларни ҳам яратади.

Келажакда сунъий интеллект рақобатта бевосита таъсир қилиши мумкинлигини, бу эса компаниялар, меҳнат бозорлари

Китобхонликка ҳар бир эътибордан, ташаббусдан чинакамига хурсанд бўлсак арзийди. Чунки китоб маърифатга етаклайди. Маърифат эса жамият ҳаётидаги ҳар бир неъматни кадрлашга, одамларни ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди. Шунинг учун ҳамсухбат бўлган кексалардан, олимлардан, ижодкор дўстларимдан китобхонлик тарихи ҳақида сўраб суриштириб юраман. Ўйлаб кўрсам, аллақачон улугларимиздан эшитган турфа маълумотлардан бир сидра айтиладиган гаплар жамланиб қолганга ўхшади.

Китобхон миллат қудратли давлат барпо этади

Оммавий китобхонлик ўлкамизга кириб келганига узоқ асрлар бўлгани йўқ. Аникроғи, кенг оммага китоб етказиб берадиган ноширлик ишлари ўтган асрда йўлга қўйилган. Бироқ шу пайтгача ҳам юртимизда илм-маърифат кадр топан, маърифат аҳли эл эътиборида бўлган. Балки миллатимизнинг дунё аҳли ҳам эътироф этадиган хислатларидан бири илмга муҳаббатимиздир. Зеро, китоб нашрлари оммавийлашмаган даврларда ўлкамизда китобхонлик оммалашганига гувоҳ бўламиз. Қандай қилиб дейсизми?

Донишманд (китобхон) халқимизнинг маънавий мероси бўлган ҳикмат сандигидан бир нақл келтирайлик: “Ўғлинг бўлса, муллага қўй, мулла топмасанг, даврга қўй”. Фарзанди илм олиб, олим бўлишини истаганлар устоз муаллимларга мурожаат қилган. Бу тарафи тушунарли. Лекин давра қандай қилиб мадрасадан кейинги ўриндаги таълим масканига айланган? Ҳикмат — юз йиллар давомида халқ ҳаётида яшаган воқеа-ҳодисаларнинг пишиб етилган мағзи. Мактаб-мадрасаларда илм-фан ўргатилиши ҳақиқат. Аммо давра қандай ўргатади? Яқин ўтган асримизда ҳам дала меҳнатидан толиқиб қайтган одамлар ҳордиқ чиқариш маҳаллари ёки бирор йиғинларда дoston, эртак, кейинчалик роман ва қиссаларни овоз чиқариб чиройли оҳангда ўқиб-тинглаган. Қизиги шуки, жисмоний ҳориган одамлар дам олиш чоғида ўртага маърифат чирогини ёқиб қўйган. Демак, китобхонликнинг оммавийлиги ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган ҳодиса эмас экан-да!

Китобхонлик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган. Асрлар шажарасида узоқ юртларда



йиллар бўйи юриб илм ўрганиб келганидан кейин маҳалланинг ўз одами ёки бирор зиёли мусофир меҳмонлар мойчироқ ёруғида маърифий суҳбатлар уюштирган. Уэун тунлардаги бу гурунг, давра тирик китоб макеида бўлган. Шундай воқеа-ҳодисалар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Бу ҳолга мутаносиб келадиган яна бир омил, яъни маҳалланинг

оқсоқоли деган иборага диққат қилсак. Маҳаллада табиатан фаҳм-фаросати юксак бўлган, илм ўқиган кишилар оқсоқол номига лойиқ топишган. Ҳатто яқин-яқингача кексаларимиздан илм-маърифат эгаларига нисбатан “кўзи очик”, “китоб кўрган” иборалари тез-тез қўлгопимизга чалинариди. Шунингдек, ўтган асрларда бахшилар куйлаган дostonларни тинглаш бутунги

шоу-концертлардан мутлақо бошқача маъно касб этган. Улар фақат ўйин-кулги қилмаган. Бахши туни билан дoston куйлаган бўлса, жим ўтириб, худди аудиокитобни тинглаган каби эшитган. Билъакс, аудиокитобни тинглашдан ҳам юксакроқ бўлган. Бахши дostonни ярим театрлашган ижро билан куйлаган. Бутун маҳалла жам бўлиб дoston тинглаш баробарида атрофдагиларнинг ҳолатини кузатган, кўз орқаи қалбдаги туйғулар бир-бирига ўтган, кўнгилга маърифатнинг жо бўлиш даражаси минг чандон ошган. Бир дostonни бир ёки икки кечада бутун бошли маҳалла аҳли эшитган — ана сизга оммавий китобхонлик.

Бахшидан эшитган дostonдаги саргузаштлар кайфияти натижасида одамлар орасида кўп муҳокамалар кечган, дoston саргузаштлари ўй-хаёлларида узоқ даврлар мобайнида ўз таъсирини кўрсатиб келган. Бутун маҳалла аҳли “китоб”ни бир вақтнинг ўзида ўқиб чиқиши бутунги кун одамларининг тасаввурига сигмаслиги мумкин. Аммо ҳаётнинг ташвишу қувончлари ўшанда жозибали бўлган.

Қисқача баён қилганларимиздан натижа шуки, китоб, китобларнинг жонли ижроси ёхуд икки оёқли тирик китоблар — олимлар ҳақида озгина ҳаёт билан айтдик. Уша даврларда китобхонлик ҳолати бошқа бир шаклда бўлганини ҳам тасаввур қила бошлайди. Аммо ҳар иккисидан моҳият битта. Негаки, бутун ҳам китобхонликдан мақсад одамларнинг маърифатли бўлиши бўлса, олдинги даврларда ҳам

мақсад муштарак эканига гувоҳимиз. Ана шу мантиқ ва моҳиятдан келиб чиқиб, ўта нозик бир кузатишларимни ўртага ташламоқчиман.

Тўғри, илм олиш ҳеч бир замонда осон кечмайди. Шунинг ҳам эътироф этиб кетайлик, ўқиб-ёзишни билганлар ҳали илм аҳли қаторига қўшилди, дегани эмас. Лекин минг бир машаққат чекиб, узоқ ўлкаларга бориб илм олган олимлар, маърифат аҳли, ҳеч шубҳасиз, одамлар эътиборида бўлган. Кишилар бил-лимдонларни меҳмон қилганларида уйининг тўрига ўтказган. Уша илм аҳлининг рўзғоридан бирор юмуши бўлса, кўпчилик баварварлашиб кўмак берган. Шундай қилиб, маърифат аҳлининг машаққат билан эгаллаган билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлиб келинган. Ўз навбатида, илм аҳли ҳам турмуш ташвишлари-га ўралашиб қолмай, одамларнинг ҳақини адо этиш йўлида эртаю кеч бош қотирган. Олиму уламо, донишмандлар сиймосида, сиёратида одамлар ўз орузсини кўрган. Уларга ҳавас қилиб, фарзандлари улардек олим бўлиши орузлари билан яшаб келган.

Бугунги тараққий этган дунёдаги китобхонликнинг ҳолати ўзгарди. Натижада илм-маърифатнинг асидан тобора узоқлашаётган авлод ўз билганидан қолмайдиган даражага етди. Ижодкорлар, олимлар, оқсоқоллар у ёқда турсин, ота-она ҳамда ёши улугларимиз гапларига қулоқ осадиганлар, жилла кўрса, ҳаёт тажрибасидан ибрат олаётганлар озчиликни ташкил қилади. Бунинг таъсирида ёшлар ўртасидаги ўзига хос ҳурмат-эҳтиром ҳислари бошқачароқ касб этиб, гўё гарблаш-гандек ёғариб тус олмақда.

Ҳеч шубҳасиз, олиму уламоларга, маърифат аҳли, устозларга, кекса нурунийларга эътибор кундан кун ортиб борапти. Кузатишларимдаги бир гўзал ҳолни айтиб кетай. Китобхонлик оммавийлигидан ажойиб мисолларни эслаб ўтдик. Ваҳоланки, илм оммавий эмас, шу икки ҳолатни бир-бирига қоришиқ тушунганимиз тўғрисида китобхонлик мавзусида сал паршонлик кўзга ташланмоқда.

Бинобарин, илм оммавий эмас, дер эканмиз, илм аҳли ҳисобланган олим, ижодкор, ихтирочи, тадқиқотчи, кашфиёт соҳиблари ҳам омма қатори санаб ўтилмаслиги керак.

Ҳозирги кунда мана шу санаб ўтилган кишилар ҳар бирининг ҳаёт тарзига бутунги кун ёшлари ҳавас билан қарашаётгани йўқ. Масаланинг ечимни айнан шу тугунда турибди. Илмда иқтидорли бўлган кишиларга аввал ҳавас билан қаралади ва кейин ибрат олинади. Унга ўхшашни орзу-ҳавас қилиш билан ўрнат олинади. Китобхонлик ҳақида қайғулар

еканмиз, шу илмий-бадий асарларни ижод қилаётган кимсаларнинг турмуш тарзи ўрнат бўлмас экан, ундан қандай қилиб улги олинади, ундай маърифатчиларга қайси бир ши-жоатли ёш ҳавас қилади, китобини мароқ билан ўқийди?

Ўз ота-оналаримиз, кексаларни эҳтиром қилишнинг афзалликларини китобхонлар ёрқин тушуниб етиши, ўқувчи эса ўқитувчи ва устозларни ҳурмат қилиши, соғлигимиз учун жонку-ярлик қилаётган шифокорларнинг кеча-кундуз ухласмасдан қилаётган хизматлари, янги оила-ларнинг мустаҳкам бўлиши каби кўплаб масалалар китобхонлик орқали ўз ечимини осон топади. Чунки ўз-ўзимизни ҳурмат қила бошласак, ўзгаларнинг ҳурматини ҳам жойига қўйи-шинг моҳиятини ҳас этамиз.

Айтиш мумкинки, китобхонлик учун яратилган кенг имкониятларнинг самарасини ошириш мақсадида Президентимиз 14 февраль кунини ёшлар билан мулоқот чоғи ёшлар маъна-вийтини юксалтиришда бадий адабиётнинг роли жуда катта эканига алоҳида тўхталиб: “Бундан қирқ йил олдин устоз шоир Эркин Воҳидов ташкил этган “Ёшлик” журнали фао-лиятини кучайтириб, уни яна ёшларимиз севиб ўқийдиган журналга айлантириш муҳим”, дея таъкидлади. Бунинг ҳам ўзига яраша асосла-рини бўлиб, болажонларимиз мактаб партасидан журналлар воситасида маърифат аҳли билан қисқа-қисқа ошно бўлиб, кўникма ҳосил қилиб борса, ўсиб-улғайган сари бу маънавий дўсти билан кенгроқ таниша боради. Китобхонлик ҳам спорт каби аввалга машқ қилинади, машқ эса худди шу журнал ва газеталар, кейин на-вати билан спортчи катта майдонга тушгани каби романлар мутлоасига ўтилади. Дониш-мандларимиз айтганидек, китобдек тўғри йўл кўрсатадиган ҳамда тўғри сўз ҳеч бир дўст топиб бўлмайди. У ҳеч қачон атрофдаги воқеа-ҳодисалардан варақларида битилган сўзларини ўзгартирмаган.

Президентимизнинг бутун миллатни китобхон қилмасдан тўхтамайман, деган қатъ-ияти илдин, ҳеч шубҳасиз, минг йиллик қа-дриятларимизга бориб тақалади, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сўзим охирида шунча изланиб ўрганган-ларим моҳиятини айтсак.

Китобхон миллат қудратли давлат барпо этиши табиий. Чунки бу дунё ҳаёти манфаатлар устига қурилган. Ҳаёт қонуниятига ҳамоҳанг-лик, маърифат йўли энг тўғри йўлдир.

Холмуҳаммад КАРИМИЙ,
ёзувчи

9 май – Хотира ва кадрлаш куни

ОСОЙИШТА КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, ШУКРОНАЛИК БИЛАН ЯШАШ ҲАМ ФАЗИЛАТ

Ҳамон эсимда. Болалигимизда Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги кинофильмларни кўрсак, энамнинг кўзларига ёш қўйиларди. Буни кино таъсиридан деб ўйлардим, бир оз улғайгач, бу кўз ёшлар соғинч, айрилиқ, тириклик йўлидаги азоб-ўқубатлар “маҳсули” эканини англадим.

